Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2014-yil 25-sentabr, payshanba, **38 (566)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

САЙЛОВ-2014

## Имзо тўплаш тадбирлари O`zLiDePга ишонч янада ортганини кўрсатмоқда

**Сайлов ва кўппартиявийлик тизими демократик жамиятнинг ажралмас қисми, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатидир. Сайлов демократия кўзгуси бўлиши баробарида сиёсий партиялар учун ўзига хос имтиҳон бўлиб, бунда улар электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ позицияси билан аҳоли орасида қай даражада обрў-эътибор қозонганини ҳам намоён этишади.**

2

## «Менинг биринчи овозим»

**Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар қатори O`zLiDeP ҳам сайловчилар имзосини йиғиш жараёнини қизғин давом эттирмоқда. Зеро, ўрнатилган тартибга кўра камида қирқ мингта сайловчининг имзосини тўплаши зарур. Бунда битта маъмурий-ҳудудий тузилмада, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги керак. Тўлдирилган имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига ўз вақтида тақдим этилиши шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.**

2




Солих ЗОИР олган суратлар

# Юксак савия ва уюшқоқлик — асосий мезон

**Куни кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий сайловолди штабининг йиғилиши бўлиб ўтди**

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев бошқарган мажлисда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси бошланганини эълон қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида кенг кўламли ташкилий-сиёсий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, партия Марказий сайловолди штаби бошчилигида партиянинг сайловда иштирокини қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни ҳам якунига етказилмоқда. Аниқроғи, айни пайтгача 35 мингдан зиёд имзо тўпланган.

Ушбу муҳим вазифанинг ўз вақтида бажарилишида Ижроия қўмитанинг масъул ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, O`zLiDePнинг парламентдаги фракцияси аъзолари фаоллик кўрсатяптилар. Партиянинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқарувчи асосий бўғин бўлган БПТларда сайловга тайёргарлик ишлари айниқса қизғин кечмоқда. Бу жараёнда Сиёсий таълим марказлари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қилинадиган ишлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш юзасидан депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳамда партия фаоллари учун давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Бундай муҳим тадбирларда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам қатнашаётирлар.

Йиғилишда, шунингдек, жойларда сайлов кампаниясини Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган талаблар даражасида ўтказилишини таъминлаш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларида тузилган сайловолди штабларида кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани хусусида Марказий штаб масъулларининг ахбороти тингланди.

Мажлис якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Сайловда ошкоралик ва адолатлилик таъминланади

**Самарқанд шаҳрида «Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида очиқлик, ошкораликни таъминлаш, қонунийликка риоя этиш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» деб номланган халқаро конференция бўлиб ўтди.**

2

# Фаол теримчилар тақдирланди

**Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам пахта йиғим-терими юксак уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан олиб борилаяпти**

Вилоятда пахта сотиш бўйича шартнома-режасини ортиғи билан бажарган фермерлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти O`zLiDeP аъзоларидир. Хусусан, Яккабоғ туманидаги «Улаш ҳожи Жалил ўғли» фермер хўжалиги 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта йиғиштириб олди. Хўжалик раҳбари, халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Тўлқин Нормуродовнинг таъкидлашича, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун барча куч ва имкониятлар ишга солинаяпти.

Шу тумандаги Деҳқон Сафаров раҳбарлик қилаётган «Сафар-амин ўғли Боқи» фермер хўжалиги эса 25 гектар майдондан 80 тонна ҳосил йиғиштириб олиб, режани бажарди. Мавсум охирига қадар бу кўрсаткични 200 тоннага етказиш режалаштирилган. «Йўлдошев Сардор Дилмуродович» фермер хўжалиги ҳам маррага биринчилардан бўлиб етиб келди. 40 гектар ердан 120 тонна «оқ олтин» йиғиб териб олган фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Йўлдошевнинг таъкидлашича, мавсум охиригача ҳосилдорлик 50 центнердан ошади.

Пахта сотиш режасини биринчилардан бўлиб бажарган, ҳосилни юқори навга сотган ва сифатли уруғлик пахта етиштирган фермерларга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Фермерлар кенгашининг махсус ташаккурномалари, эсдалик совғалари топширилмоқда.

## Ҳорманг, пахтакорлар!

**Тошкент вилоятининг Чиноз тумани пахтакорлари бу йил 7470 гектар майдонда ғўзанинг «С-6524», «Порлоқ» навларини парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бугун эса 20 минг тоннадан ортиқ хирмонни бунёд этиш ишлари қизғин бормоқда. Тумандаги Абулла Амиров бошчилигидаги «Абуллаев-Ф» фермер хўжалиги далаларида ҳам терим авжида. Сабаби, бугунги ҳар бир ҳаракат эртага деҳқонга катта даромад эканлигини улар яхши билишади. Фермернинг пахта далаларида йиғим-терим ишлари айни қизғин бир паллада уларга «ҳорманг», дея O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Тошкент вилояти ва шаҳар партия кенгаши, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ходимлари деҳқон хирмонига барака тилаган ҳолда ўз улушларини қўшдилар.**

## «Яғонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»

# Ватанимизнинг жанубий дарвозаси

**Президентимиз фармонига кўра «Амир Темур» ордени билан мукофотланган Термиз шаҳрининг кечаги ва бугунги куни хусусида**

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Сурхон деганда, тарихий издизлари неча минг йилларга бориб тақаладиган кўҳна ва серқуёш воҳа кўз ўнгимизда намоён бўлади. Унинг ноёб обидалари, асрлар билан бўйлашадиган бетакрор ёдгорликлари ҳақида қанча фахр ва ифтихор билан сўз юритсак, шунчалик оз. Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган бўлиб, Термиз ўшандан бери унинг маъмурий маркази ҳисобланади.

Ўзбекистонни қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатлар билан боғловчи йўл Термиз орқали ўтиши шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу маънода Термизни мустақил Ватанимизнинг жанубий дарвозаси, десак асло хато қилмаймиз.

Археологик маълумотларга қараганда, Термиз милоддан аввалги V асрда шаҳар сифатида шаклланган. Муаррих Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, шаҳар номи «Тарамастҳа» («нариги соҳилдаги манзил») сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича аталиб келинган. Термиз вақти-вақти билан ғазнавийлар, қорахонийлар, қорахитойлар, салжуқийлар, хоразмшох давлатлари таркибида бўлган. Кейинчалик ўзаро урушлар натижасида деярли вайрон этилган...

Истиқлол йилларида Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги, шунингдек, «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорларини сурхондарёликлар катта мамнуният билан қарши олишди. Шу асосда шаҳар ҳудудида амалга оширилган қурилиш-ободончилик ишларининг миқёси жуда кенг. Жумладан, Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейи қайта таъмирланди. Ушбу даргоҳни зиёрат қилган хорижий сайёҳлар ўзбек халқи тарихининг буюклигига яна бир карра ишонч ҳосил қилишлари шубҳасиз.

3

## Мавсум илғорлари рағбатлантирилмоқда

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг пахта йиғим-терими давомида илғор натижаларга эришганларни рағбатлантириш, партия ғоялари тарғиботини аҳоли ва ёшлар орасида янада кучайтириш тўғрисидаги фармойишига асосан Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда жойларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан Дўстлик туманидаги «Алижон Низом», «Сувли сой», «Достонбек Назарбек» фермер хўжаликлари пахта далаларида партия фаоллари ҳамда илғор теримчилар ўртасида ўтказилган учрашув сўзимиз исботидир.**

**Мазкур учрашувда O`zLiDeP ҳамда Фермерлар кенгаши масъул вакиллари фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ мулкдорларига турли имтиёз ва преференциялар беришнинг самарали тизими барпо этилганлиги, бу ўз навбатида, уларнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда қулай имконият яратаётганини алоҳида таъкидлашди. Айни пайтда қишлоқ жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, жумладан, аҳоли даромадларининг изчил ўсиши, янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришда фермер хўжаликлари фаол қатнашаётгани уларнинг амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар моҳиятини чуқур англаб бораётганидан далолат беради.**

3

O`zLiDeP веб-сайтида ўқинг!



Жиддий синовга жиддий тайёргарлик

www.uzlidep.uz

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2014** йил **23** сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2114,12 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3865,69 |
| 1 Дания кронаси | 408,46 |
| 1 БАА дирҳами | 643,51 |
| 1 АҚШ доллари | 2363,47 |
| 1 Миср фунти | 330,56 |
| 1 Исландия кронаси | 19,79 |
| 1 Канада доллари | 2162,37 |
| 1 Хитой юани | 385,06 |
| 1 Малайзия ринггити | 733,09 |
| 1 Польша злотийси | 726,44 |
| 1 СДР | 3538,38 |
| 1 Туркия лираси | 1060,33 |
| 1 Швейцария франки | 2518,62 |
| 1 ЕВРО | 3122,57 |
| 10 Жанубий Корея вони | 22,75 |
| 10 Япония иенаси | 217,51 |
| 1 Россия рубли | 61,53 |
| 1 Украина гривнаси | 175,93 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЭЛЕКТОРАТ

Сиёсий жараённинг ўз пешқадамлари бўлади



4

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА

Қуйи бўғинлар кучидан самарали фойдаланиш ҳудудий кенгашлар ташкилотчилигига боғлиқ



5

УЧИНЧИ СЕКТОР

Палата ўз аъзоларини ҳимоя қилади



6

ЖАРАЁН

«GM Uzbekistan» энди «Aveo»ни кўзламоқда



7

# САЙЛОВ-2014

## «Менинг биринчи овозим»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,** «XXI asr»

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, матбуотда эълон қилинади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш кераккi, Ўзбекистонда парламент қуйи палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман 2014 йилнинг 15 сентябридан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси – 21 декабрда ўтказилади. 135 нафар депутат ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Айни пайтда партиямизнинг бўлғуси сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш, электорат фаоллигига, пировардида, аввал эгалланган марралардан юқорироқ натижаларга эришиш учун кенг қамровли саъй-ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилган. Айниқса, навбатдаги сайловда биринчи марта сайловга оид конституциявий ҳуқуқидан фойдаланадиган ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, аниқ мақсад ва дастурлар билан уларнинг ишончи қозонишга алоҳида аҳамият бериляпти.

> **O`zLiDeP Беруний туман кенгаши томонидан Қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида «Парламентда менинг ўрним» партиявий лойиҳаси доирасида «Менинг биринчи овозим» мавзуида ўтказилган очиқ мулоқот ҳам муҳим сиёсий жараёнга ёшларни фаол жалб этишга бағишланди.**

Унда O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари, партиянинг ёшлар ва аёллар билан ишлаш бўйича мутахассислари, бўлғуси сайловда илк бора қатнашадиган йигит-қизлар, зиёлилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Суҳбатда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини сайловолди ташвиқотида замонавий медиа-технологиялардан оқилона фойдаланган ҳолда сайловчиларга етказиш, партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада БПТларнинг ташаббускорлигини кучайтириш, соғлом рақобат майдонидаги салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратилди.

— Партиявий лойиҳа асосида ташкил этилган бу тадбир биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитишга, уларнинг Конституция ва сайлов тизимига оид қонунлар тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди O`zLiDeP Беруний туман кенгаши раиси ўринбосари Тўли Ҳайитбоев. — Ёшлар Асосий қонунимизнинг сайловга тегишли моддаларини, овоз бериш, сайловолди ташвиқотини юргизиш тартибини ўрганиш бўйича атрофлича маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олдилар. Энг муҳими, биз уларнинг қимматли фикр ва мулоҳазаларини ҳам тингладик. Буларнинг бари ёш тадбиркор ва ишбилармонлар, навқирон электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиш ва изланишлари, жамоат ишларидаги иштирокини қўллаб-қувватлашга, партиянинг вакиллик органлари ва давлат тузилмаларига юқори малакали ёшларнинг кириб келишига кўмаклашади.

## Ҳамкорликдаги тарғибот

**Гулистонда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими, матбуот ва ахборотлаштириш бошқармаси ҳамда вилоят сайлов комиссияси ҳамкорлигида тадбир ўтказилди**

**Дилора ЭСОНОВА,** «XXI asr»

Сиёсий партиялар, вилоятдаги йирик ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича қатор ишлар олиб борилди. Мазкур тадбирлар эса бўлажак сайловни ҳам демократик тамойиллар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказилишига замин яратди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» бу борада дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

2014 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (32, 78,93, 98, 103 ва 117-моддалари) давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш баробарида сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш партияларaро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давлат ҳокимияти органлари аралашувисиз амалга оширилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилган бўлиб, унинг фаолият кўрсатиш механизми мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборатдир.

— Сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш бўйича олиб бориладиган ишлар учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар доирасини янада кенгайтиришда барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари ҳам фаол иштирок этаяпти, — дейди O`zLiDeP фаоли Г.Ўлмасова.

## Имзо тўплаш тадбирлари O`zLiDePга ишонч янада ортганини кўрсатмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Ўз мухбиримиз**




Сиёсий партияларни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш жараёни эса ушбу имтиҳоннинг дастлабки босқичи, десак муболаға бўлмайди. Буни аслида сиёсий партияларнинг сайловолди платформаси, мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш борасидаги изчил ислоҳотлардаги иштирокининг сайловчилар томонидан баҳоланишига қиёслаш мумкин.

— Мустақиллик йиллари маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик ҳуқуқий давлатга ўтиш сари дадил қадамлар қўйилган давр бўлди, — дейди O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. — Илгари сайловчи психологиясида адолатли ва демократик сайловларга ишонч йўқ эди. Биз бугун имзо тўплаш давомида кузатаётган фаоллик эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятининг муайян кўринишидир. Одамларнинг онгу тафаккурида, ҳаётга муносабатида туб ўзгаришлар рўй бериб, уларнинг фуқаролик позицияси ва ҳуқуқий маданияти ўсгани, демократик ўзгаришларнинг нафақат иштирокчиси, балки ҳаракатлантирувчи кучи сифатида сиёсий партияларга талабчанлиги кучайганидан далолатдир.

— Шу ўринда сайлов тизими ва сайлов қонунчилигини демократлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилгани, улар бугунги кунда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва илғор хорижий тажрибага мослигини таъкидлашимиз лозим, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Ботир Мардаев. — Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, яъни унинг сайлов тизимига бағишланган махсус XXIII боби ташкил этади. Дунёнинг кўплаб давлатлари конституцияларида бу каби боб мавжуд эмас.

Сайлов тизимига бундай ёндашув фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлайди. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун мамлакатимиз сайлов тизими конституцион асосларини янада такомиллаштириш ва либераллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур тузатишларга кўра, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш ҳамда унинг фаолияти асосий тамойиллари – мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принципларининг мустақил тизими конституциявий норма тарзида мустаҳкамланди. Таъкидлаш жоизки, баъзи мамлакатларда сайловлар ижро этувчи ҳокимият органлари – ички ишлар, адлия вазирликлари каби идоралар томонидан ташкил этилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ амалга оширилаётган сайловчилар имзосини тўплаш, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги имзо варақаларини тўлдириш тадбирлари ҳам сиёсий партиялар учун муҳим жараёндир. Бу борада сўз юритганда алоҳида қайд этиш мумкинки, сўнгги 10 йил давомида сайлов қонунчилигига қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани сиёсий партияларнинг ўрнини сезиларли равишда кенгайтирди ва мустаҳкамлади. Жумладан, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда имзо тўплашдаги чекловлар енгиллаштирилиб, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг зарур имзоси сони 50 000 тадан 40 000 гача қисқартирилди. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили институти жорий этилиб, у сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларини тўлдириш тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 тадан 10 тагача оширилди.

— Сайловчиларнинг имзосини йиғиш жараёнидаги фаоллик электоратнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг бўлажак сайловга қизиқиши тобора кучайиб бораётгани, демакки, O`zLiDeP мавқеи мустаҳкамланаётганини кўрсатмоқда, — дейди Бухородаги «OFS» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарҳод Зоҳидов. — Бошланғич партия ташкилотимизда ҳозиргача 100 дан зиёд имзо тўпладик.

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Рояль Гармен» оилавий корхонаси ишчи-хизматчилари ҳам имзо варақаларини якдиллик билан тўлдирдилар. Бу ерда 20 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Корхона раҳбари Мирзохид Фозилов ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Бу нафақат имзо тўплаш жараёни, балки юртимизда бизнес муҳитини барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган давлат аҳамиятига молик изчил сиёсатнинг мантиқий ифодасидир. O`zLiDePдан сайланадиган депутатларимиз тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда партия электорати манфаатлари йўлида фаолият олиб боришларига ишонамиз. Мамлакатимизда рўй бераётган барча ижобий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида корхонамиз меҳнат аҳли, шу жумладан, O`zLiDeP аъзолари ҳам юртимизнинг ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин олиши учун амалга оширилаётган ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлайди.

## Сайловда ошкоралик ва адолатлилик таъминланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, ЕХҲТ вакиллари, Франция, Испания, Италия, Корея Республикаси ва Латвиядан келган экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ҳамда вилоят сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда, жумладан, сайлов тизимида кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди.

Алоҳида эътироф этилганидек, мамлакатимиз Конституциясида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, халқ ҳокимияти принциплари, барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайлов, сиёсий ва ижтимоий плюрализм, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, амалда самарали қўлланилмоқда.

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган қонунлар эса сайловнинг демократик талабларга мос равишда фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланган ҳолда ўтишини таъминлайди.

Хусусан, «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонунлар ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақомини, унинг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига асосланган фаолиятини мустаҳкамлаш имконини берди.

Конференция давомида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори Д.Сабо, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси раҳбари Б.Якубов, АҚШ Миллий демократия институтининг Ўзбекистондаги филиали директори Эрика Брэт ва бошқалар мамлакатимизда демократик сайловни ўтказиш борасида катта тажриба тўплангани, шунингдек, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик, ошкоралик ва қонунийликка риоя қилишни таъминлашга қаратилганини эътироф этдилар.

Тадбирда қатнашган сайлов қонунчилиги соҳаси олимлари ва мутахассисларининг маълум қилишича, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш биринчи навбатда Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклангани, сайлов жараёнига давлат органларининг аралашишига йўл қўйилмаслиги, ҳар бир партиянинг ўз сайловолди дастурини эълон қилиш учун тенг шароитлар яратилгани, сайлов кампанияси иштирокчиларининг биронтасига имтиёзлар берилишига йўл қўйилмаслиги катта аҳамият касб этади.

Конференцияга таклиф этилган хорижлик экспертларнинг фикрича, мамлакатда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар сайловнинг ошкора ва адолатли ўтишини таъминлайди.

## Матбуот маркази иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнини ёритиш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос белгиси, уни юқори савияда ўтказиш эса ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масалалардан биридир. Бу борадаги ошкоралик эса фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Сайловларнинг боришини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссиясида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтиши керак. Тегишли тартибда аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Кези келганда, 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича матбуот маркази Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16-уйда жойлаштирилганини, бу ерда журналистларнинг самарали фаолияти учун барча шарт-шароит яратилганини ҳам айтиб ўтиш зарур.

— Ҳаммамизга аёнки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирларга Марказий сайлов комиссияси масъулдир, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари Улуғбек Султонов. — Унинг ишига бирор бир давлат ҳокимияти органларининг аралашишига йўл қўйилмайди. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий тамойилларини эса мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари ташкил қилади. Шу маънода **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот маркази фаолият бошлаганини унинг ўз принципларига содиклиги намунаси, десак тўғри бўлади. Эътиборли томони шундаки, ана шу жараёнга ҳамоҳанг равишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий сайловолди штабида ҳам матбуот хизмати ташкил этилди. Бу ерда журналистлар партиямизнинг сайловдаги иштирокига доир барча маълумотларни олишлари мумкин.** Яқин кунларда вилоятлардаги O`zLiDeP сайловолди штабларида ҳам ана шундай хизмат йўлга қўйилади. Мақсад эса аниқ: сайловнинг очиқ ва ошкора, амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтишини намоён этишдир.

# Янгийўллик ишбилармон аёллар

**Бундан олти йил аввал боғдорчилик йўналишида фермер хўжалигини ташкил этган янгийўллик Дилрабо Файзиеванинг боғлари ҳали тўлиқ ҳосилга кирмаган бўлса-да, миришкор ўз меҳнатининг дастлабки натижаларини кўра бошлади**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Асосийси, у мулкдор сифатида атрофига уста деҳқонлар, малакали мутахассисларни жамлади. Билмаганини ўрганди, билгани билан ўртоқлашди. Ишчиларнинг меҳнатига яраша манфаатдорлигини таъминлади. Айни пайтда мазкур фермер хўжалигига қарашли 15 гектарлик боғни кўрган кишининг ҳаваси келади. Ҳар бир дарахт ўзгача парвариш, ўзгача эътиборда.

— Замини сахий, инсонлари меҳрли юртда яшаётганимизга шукур. Ҳар тонг далага отланар эканман, биринчи навбатда, ана шу сўзларни такрорлайман, — дейди халқ депутатлари Янгийўл туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Дилрабо Файзиева. — Энг муҳими, оилам, фарзандларим ёнимда. Қолаверса, гапимни ярмидан тушунадиган, юкимни ерда қолдирмайдиган ишчиларим бор. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳар йили янги-янги ютуқларга эришаяпмиз. Ёшларни ёнимизга олиб, уларга боғдорчилик сир-асрорларини ўргатишни канда қилмаяпмиз. Мамлакатимизда фермерларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, хўжалигимизни кўп тармоқли субъектга айлантириш ниятидамиз. Насиб қилса, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни йўлга қўйиб, яна 20 га яқин кишини иш билан таъминлаймиз.

Дарҳақиқат, юртимизда аёлга, онага эҳтиром кўрсатиш азал-азалдан қон-қонимизга сингиб кетган анъанадир. Бугун ҳеч бир тармоқ ёки соҳа йўқки, унда аёлларимиз иштирок этмаётган бўлса.

— Туманимизда 150 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, шунинг салкам 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди O`zLiDeP Янгийўл тумани кенгаши Аёллар билан ишлаш бўлими мудири Мамлакат Ибрагимова. — Бугун улар нафақат оила бекаси, балки тадбиркор, ишбилармон, етук раҳбар ҳамдир. Ана шундай жонкуяр аёллар мустақиллик йилларида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Қувонарлиси, улар орасида O`zLiDeP аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Эътибор беринг: Янгийўл туманида партиямиз аъзолари қарийб 1200 нафарни ташкил этса, шунинг 300 нафардан зиёди хотин-қизлардир. Йилдан-йилга тадбиркор аёлларимиз, улар орасида эса партиядошларимиз сони ортиб бораётир. Масалан, Раънохон Бобоева ўзига хос йўналиш — қуёнчилик билан шуғулланса, Дилрабо Файзиева, Гулчеҳра Султонова боғдорчилик, паррандачилик, ғалла ва сабзавотчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан машғул. Раънохон мактабда ўқитувчи, партия фаоли сифатида туман кенгаши депутати бўлса-да, жониворларни парваришлаш учун ҳам вақт топади.

Жорий йил бошида ойига ҳар бир қишлоқда ҳеч бўлмаса бештадан янги иш ўрни яратишни олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яқинда сарҳисоб қилиб кўрсак, тадбиркор аёлларимиз бошчилигида қарийб 100 га яқин янги иш ўрни ташкил этилибди. Тадбиркор аёлларимиз очган ўқув-тайёрлов курсларида минглаб хотин-қиз касб-ҳунарга йўналтирилди. Буларнинг барчаси аҳиллик, ўзаро баҳамжиҳат ишлаш, мамлакатимизда эркин ишбилармонлик муҳитининг яратилганидандир.

O`zLiDeP туман кенгаши, партия депутатлик гуруҳи, жойлардаги БПТларнинг бевосита кўмаги, фермер ва тадбиркорларнинг ташаббуси билан ҳатто олис қишлоқларда истиқомат қилаётган аёллар иш билан таъминланаяпти. Уларга тижорат банкларидан кредит олиш, мустақил равишда ўз бизнесини йўлга қўйишда ёрдам бериляпти. Бундай қулай имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш баробарида ёшларни ҳам ишбилармонлик сир-асрорлари билан таништиришга ҳаракат қилаяпмиз.

# Экспортчи тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли мазкур соҳанинг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб боряпти. Шунга кўра, бундай субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортдаги улуши ҳам кўпаймоқда**

**Б.АЛИБЕКОВ,**
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-кувватлаш жамғармаси Тошкент вилоят филиали директори

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Тошкент вилоят филиали ҳам ишбилармонларнинг ишончли ҳамкорига айланган.

Хусусан, жамғарма томонидан йил бошидан буён 90 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий ва консультатив хизматлар, экспорт шартномалари тузиш ва рўйхатга қўйишда амалий ёрдам берилиши натижасида «Wight Line Business» МЧЖ, «Latif-Sers» МЧЖ, «O`ZKORTEKS», «BEMID-TOM» МЧЖ, «Азалея Гармент» қўшма корхонасининг умумий қиймати 50 млн. АҚШ долларидан ортиқ маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Озарбайжон каби давлатларга экспорт қилинди.

Бундан ташқари, вилоятнинг барча туманларида тадбиркорлар билан давра суҳбатлари ўтказилиб, жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар, хусусий сектор учун яратилаётган қулайлик ва шарт-шароитлар, хорижда ўтказилиши режалаштирилган кўргазма ва ярмаркалар ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Шу боисдан ҳамкорларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Жумладан, Пискент туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Азалея Гармент» қўшма корхонаси жамғарма кўмагида олдиндан тўловсиз, суғурта полиси орқали 207 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларини Россияга экспорт қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорларида ҳам харидоргир бўлиб, буюртмачилар кўпайиб бормоқда. Яъни, «Made in Uzbekistan» белгиси остидаги маҳсулотларга талаб ортмоқда.

Айни пайтда тадбиркорларни қийнаётган саволлар ва бошқа қатор масалалар жамғарманинг кўмаги билан қисқа фурсатда ўз ечимини топмоқда. Шундай экан, ҳар қандай корхона ёки тадбиркор ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини жаҳон бозорида сотиш имкониятига эга. Бунинг учун у сифатли ва рақобатдош маҳсулот етиштириши ҳамда жамғарма билан яқиндан алоқа ўрнатиши кифоя.

# Изчил фаолият

**партиявий лойиҳаларнинг янада оммалашувига хизмат қилмоқда**

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»



O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан Чилонзор туманида «Болалар саломатлик куни» акцияси ташкил этилди. «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда партия фаоллари билан бирга хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва 48 та маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи оилалар вакиллари иштирок этди.

Партиямиз дастурида белгиланганидек, O`zLiDeP тиббиётнинг янги ютуқларига таянган ҳолда, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом миллат генофондини асрашга кўмаклашиш, бу борада яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш масалаларига кўмаклашишни устувор вазифалардан бири сифатида билади. Мазкур акция ҳам бевосита халқимиз саломатлигини асраш, айниқса, миллатимиз эртаси бўлган фарзандларимизнинг соғлом вояга етишларини таъминлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Уч кун давом этган акция доирасида Чилонзор туманидаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафардан ортиқ 18 ёшгача бўлган фарзанди чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, таҳлил натижаларига кўра малакали шифокорлар томонидан керакли тиббий хулосалар берилди.

— Аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор жамиятнинг эртаси ва келажагига эътибордир, — деди O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши раиси ўринбосари Дилобар Мираҳмедова. — Фарзандларимизнинг жисмонан етук бўлиб вояга етиши, соғлом фикрловчи шахс сифатида шаклланиши учун алоҳида эътибор зарур. Биз бу жараёнларга ўзимиз танлаган йўл, хотин-қизларимиз, бўлажак уй бекалари ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгилаганмиз.

Тадбирда, шунингдек, эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ҳомиладор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмаслиги оқибатида юзага келаётган, она ва бола саломатлигига таъсир кўрсатувчи салбий ҳолатлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилиб, уларнинг олдини олиш бўйича мулоҳазалар билдирилди.

— Мазкур масалага «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳасида ҳам алоҳида аҳамият берилган, — деди партия Тошкент шаҳар кенгаши Аёллар билан ишлаш бўлими мудири Дилноза Абдуллажонова. — Лойиҳа доирасида пойтахтимизда ташкил этилган бепул тиббий кўрик натижасига кўра, ҳозиргача 5000 нафардан ортиқ хотин-қиз текширувдан ўтказилиб, мутахассислар томонидан керакли тавсиялар берилди.

— Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизини ташкил этувчи беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий ҳимоя масаласидир, — дейди Республика тиббиёт-жисмоний тарбия диспансери бош шифокори Нодиржон Турсунов. — Ушбу йўналишда ҳар йили ўртача 22 минг нафардан ортиқ ёш спортчи саломатлигини назоратдан ўтказаяпмиз. O`zLiDeP ташаббуси билан жойларда ташкил этилаётган «Болалар саломатлик куни» акцияси эса спорт билан шуғулланишга иштиёқманд ёки спорт билан шуғулланиши зарур бўлган болалар сонини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Чилонзор туманидаги «3-Катта Чилонзор» маҳалласида яшовчи Нилуфар Орифхўжаева. — Туман ҳокимлиги тавсияси билан акцияда ишрок этдик. Мутахассислар фарзандларимни доимий сузиш билан шуғулланишлари лозимлигини айтишиб, туманимиздаги сузиш ҳавзасига бепул қатнаш учун йўлланма беришди. Бундай эътибордан беҳад миннатдорман.

Тадбирда ушбу партиявий лойиҳа мазмун-моҳиятини янада бойитиш ва қўллаб-қувватлашга оид бир қанча таклифлар ҳам билдирилди.

## Мавсум илғорлари рағбатлантирилмоқда



— Маълумки, сўнгги йилларда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш ва зарур инфратузилма объектларини яратиш дастури амалга оширилмоқда, — дейди O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Бу эса қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва фаровонлигини юксалтиришда муҳим роль ўйнаётганлигини эътироф этиш жоиз.

Учрашувда «Алижон Низом» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Худойбердиев «100 фоиз пахта ҳосилини юқори навга сотганлиги учун», «Сувли сой» фермер хўжалиги раҳбари Душавой Жўраев «Энг юқори ҳосилдорликка эришганлиги учун», «Достонбек Назарбек» фермер хўжалиги раҳбари Лутфулла Убайдуллаев «Энг кўп пахта ҳосили етиштирганлиги учун» номинациялари бўйича O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ва вилоят Фермерлар кенгашининг ташаккурномалари билан тақдирланди. Шунингдек, Манас сув истеъмолчилари уюшмасидаги 3-отряд раҳбари Донохон Эшбекова «Энг фаол отряд сардори», Муқаддас Саидмуродова, Нилуфар Норова «Энг илғор теримчи» номинациялари бўйича фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Партия фаоллари пахта йиғим-терим мавсумида фаол иштирок этиш билан бирга O`zLiDeP ғоялари, мақсад ва вазифалари, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижалари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришаяпти

**Ўз мухбиримиз.**

## Олтиариқ ёшларининг фестивали



«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга эга авлодни вояга етказиш бўйича кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда.

Олтиариқ туманида ташкил этилган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Биз соғлом турмуш тарзи, соғлом оила ва соғлом ҳаётни танлаймиз» мавзусидаги ёшлар фестивали ҳам шулар жумласидандир.

Туман ҳокимлиги, маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида спортчи ёшлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ташкил этилган тадбир иштирокчилари дастлаб марафонда жисмоний имкониятларини синовдан ўтказдилар. Сўнгра «Тадбиркор — юрт мададкори» форумида қатнашдилар. «Соғ танда — соғлом ақл», «Соғлом онадан — соғлом бола», «Биз соғлом турмуш тарзи, соғлом оила ва соғлом ҳаётни танлаймиз» мавзуларида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик каби иллатларни бартараф этишга қаратилган семинар-тренингларда саҳна кўринишлари ҳам намойиш этилди.

— Юртбошимизнинг мустақиллигимиз 23 йиллиги муносабати билан байрам табригида ёшларга қарата айтган дил сўзлари барча-барчамизга кўтаринки руҳ ва шижоат бағишлади, — дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Юсуфжон Юсупов.

Тадбирда турли йўналишлар бўйича ғолиб чиққанлар, шунингдек, уни ташкил этишда фаол иштирок этганларга O`zLiDePнинг махсус дипломи, фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилиб, тадбиркорлик, спорт ва маданият соҳаларида фаол бўлган 31 нафар ёш партия аъзолигига қабул қилинди.

**Шуҳрат РАҲИМОВ.**



# ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ДАРВОЗАСИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

Ўрта асрлар маданиятининг бетакрор намунаси бўлган Муҳаммад ал Ҳаким ат-Термизий мажмуаси ҳам шаҳардаги нодир меъморчилик ёдгорликларидан биридир. Мустақиллик шарофати билан ушбу мажмуа асл ҳолига келтирилди ва юртдошларимиз учун муқаддас қадамжолардан бирига айлантирилди.

— Собиқ шўро замонида миллийлигимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, дину диёнатимиз оёқости қилинганлиги барчамизга яхши маълум, — дейди тарих фани ўқитувчиси М.Небараева. — Шу сабабли кўплаб кўҳна обидалар, жумладан, Муҳаммад ал Ҳаким ат-Термизий мажмуаси ҳам қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Эндиликда тарихий адолат тикланмоқда. Қадим аждодларимизнинг номи улуғланиб, уларга юксак эҳтиром кўрсатилаётганлиги шундан далолатдир.

Шаҳримиз аҳлининг бунёдкорона меҳнати туфайли барча соҳада салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Термиз халқаро аэропортидан Ҳайратон кўпригигача бўлган 20 километрдан зиёд йўл кенгайтирилди ва тубдан таъмирланди. Термиз-Тошкент катта магистрал йўли бутунлай янгидан қурилмоқда. «Баҳор» кинотеатри қайта реконструкция қилиниб, «Ёшлар маркази»га айлантирилди. Навқирон авлод вакилларини спортга кенг жалб қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда Навоий ва Ат-Термизий кўчаларида барпо этилган, барча қулайликларга эга бўлган сунъий қопламали футбол майдончалари ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Навоий ва Султон Саодат номли кўчаларда 12 та кўп қаватли кўркам уй-жой бинолари барпо этилди. Термиз марказий деҳқон бозори янгидан қурилмоқда. Умуман, яқин вақт орасида шаҳримизда 327 та якка тартибдаги турар-жой, жамоат ва хизмат кўрсатиш бинолари ўрнига 1300 хонадонга мўлжалланган 45 та кўп қаватли уй барпо этиш режалаштирилган.

Вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг кўламли қурилиш- ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини жалб этиш тобора оммавий тус олаётир. Ҳозирги кунда Термиздаги «Грандшифер» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида бозорбоп, рақобатбардош қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётган бўлса, «Nova pharm» Ўзбекистон-Ҳиндистон, «Shindong Spinning Termiz» Ўзбекистон-Жанубий Корея, «Inter Silk Pro» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналарида тайёрланаётган ип-калава, фармацевтика маҳсулотлари ҳам юқори сифати ва харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида шаҳар аҳолиси ўртасида бандлик даражасини ошириш учун 3589 та янги иш ўрни яратилди. Шундан 2354 таси кичик корхона ва микрофирмалар, 501 таси тадбиркорлик субъектлари, 315 таси маҳаллий саноат, 480 таси уй меҳнати ҳиссасига тўғри келади.

Термиз — туризм шаҳри. Унинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари хорижлик сайёҳларни ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда. 2014 йилнинг дастлабки олти ойида 50 дан ортиқ мамлакатдан, МДҲ давлатлари ҳамда Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидан 20 мингга яқин сайёҳ ташриф буюрганлиги фикримиз далили бўла олади.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2014 йил 22 августдаги фармонига мувофиқ, шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланди.

— Бу нафақат Термиз, балки бутун Сурхон аҳлига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликдан нишонадир, — дейди O`zLIDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Рўзиев. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, 1 сентябрь биз учун қўшалоқ байрамга айланди. Термизнинг нурли келажаги ҳали олдинда. Шаҳар аҳли уни янада обод, файзли масканга айлантириш, замонавий саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, барча соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилаяпти. Меҳнатнинг таги эса роҳат ва фароғатдир.

**Дилрабо РАҲМОНОВА,**
**O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Мафкуравий ишлар ва тарғибот-ташвиқот бўлими мудири.**

# ЭЛЕКТОРАТ

ЭЛ ЭЪТИБОРИДАГИ ЛИДЕРЛАР

## Сиёсий жараённинг ўз пешқадамлари бўлади

**жондорлик партия фаоли Раъно Раҳимова улардан биридир**



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимиз фармонига кўра давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар қаторида O`zLiDeP Жондор туман кенгаши раиси ва халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Раъно Раҳимова ҳам бор.

Кўп йиллар давомида ёшлар ташкилоти ва маҳаллий ижро ҳокимияти идораларида турли лавозимларда ишлаб, айни пайтда республика Маънавият тарғибот марказининг Жондор туман бўлими раҳбари сифатида фаолият юритиб келаётган, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган Р.Раҳимова ўтган давр ичида партия фаоли сифатида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашга қаратилган бир қатор лойиҳаларга бошчилик қилиб, салмоқли натижаларга эришди.

— Маслакдошларимиз партиявий тарғибот-ташвиқот ишларида кутилган самарадорликка эришиш — кўп жиҳатдан халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи, партия туман кенгаши ва жойлардаги БПТларнинг изчил ҳамкорлигига боғлиқлигини яхши биладилар, — дейди у. — Зеро, жойлардаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда, долзарб муаммолар ечимини излаб топишда «БПТ— юқори партия ташкилоти — депутат» кўринишдаги синалган механизмдан унумли фойдаланаётганимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлаяпти.

Эътиборлиси, кейинги вақтда туманда Раъно Раҳимова бошчилигида олиб борилаётган партиявий ишлар кўламига юқори баҳо берган мансабдор шахсларнинг ҳам, оддий кишиларнинг ҳам ушбу сиёсий тузилмага бўлган муносабати ўзгармоқда. Аниқроғи, аҳолининг турли қатламлари орасида партияга бўлган ишонч мустаҳкамланиб, маслакдошлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда бошланғич партия ташкилотлари сони ўнтага ошиб, O`zLiDeP аъзолари 207 нафарга кўпайди.

— БПТлар ишини тўғри йўлга қўйиш ҳамда уларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида асосий эътиборни фермер хўжаликлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратяпмиз, — дейди Р.Раҳимова. — Зотан, партия қуйи бўғинлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, БПТлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш O`zLiDeP туман кенгаши ва депутатлик гуруҳининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам партия электорати манфаатлари йўлидаги ҳар қандай таклиф ёки фойдали ташаббусни эътибордан четда қолдирмасликка, тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашяпмиз. Бундан ташқари, туман партия кенгаши, депутатлик гуруҳи ҳамда жойлардаги БПТлар саъй-ҳаракати билан ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтиш лозим.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида амалга оширган ишлари учун эътирофга сазовр бўлган Р.Раҳимова халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида ҳудуд миқёсидаги мавжуд муаммоларни маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига киритишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Аҳамиятлиси, депутатлик гуруҳи таклифлари бўйича сессия қарорлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланаяпти.

— Шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларга жойларда бўлгани каби Жондор туманида ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган энг муносиб номзодларни танлаш, уларни депутатликка тавсия этиш партиянинг барча бўғинлари фаоллари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Айниқса, сайловга тайёргарлик жараёнида бу юксак масъулият ҳар бир сафдошимиз томонидан чуқур англаб етилиши зарур, — дейди Р.Раҳимова. — Туманимизда бундай фидойи инсонлар жуда кўп. Муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик жараёнида кузатувчилар, ваколатли вакилларни тайёрлаш, уларни сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга алоҳида эътибор бераяпмизки, бу ҳам келгусида ўз мевасини бериши аниқ. O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлинмасида ўтказиб келинаётган семинар-тренинг ва ўқувлар бу борадаги ишларни янада жонлантиришимизда муҳим ўрин тутади, албатта.

**Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr».**



### Сирдарёда пахтани машиналар тераяпти

Йиғим-теримда пешқадамлар сафида бораётган «Омонбой ўғли Тугал» фермер хўжалиги миришкорлари мавсумнинг биринчи кунидаёқ 18 тоннадан зиёд хом ашё сотишга эришдилар. Ҳосилдорлик гектаридан 45 центнерни ташкил этди.
— Ўн йилдан буён чигитнинг «С-6524» навини экиб келаяпмиз. Сув танқислигига қарамай барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказганимиз туфайли ҳосил мўл бўлди, — дейди хўжалик раҳбари, O`zLiDeP фаоли Эсонбой Қўзибоев. — Пахта «МТП-1,8» машиналари ёрдамида терилгани боис ҳам вақтдан ютдик, ҳам маблағимиз тежалди.
Хўжалик далаларида йиғим-терим қизғин давом этаяпти. Ҳосилнинг қолган қисмидан 75 тоннадан зиёд уруғлик чигит олиниши режалаштирилгани боис қўл терими авж паллада.

**Дилора ЭСОНОВА.**

## Сарҳисобдан кўнгил тўлдими?

**Маълумки, жиддий синовлар арафасида турган сиёсий партиялар айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказиладиган сайловларга номзодлар танлашни бошлаб юборди. Айнан шу вақтда ортга назар ташлаган ҳолда ўтган беш йиллик даврни сарҳисоб қилиб олиш мақсадга мувофиқдир**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Тўғри, охирги сайловда O`zLiDeРдан кўрсатилган номзодлар сон жиҳатидан бошқа сиёсий партияларга нисбатан бир мунча устунликка эга бўлди. Буни Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқар эканмиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида вилоятдан 3 нафар, халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашида 27 нафар, туман кенгашларида 149 нафар, шаҳар кенгашларида 34 нафар депутат фуқароларнинг ишончли вакили сифатида иш юритганини айтиб ўтиш мумкин. Хўш, улар сайловчилар ишончини қай даражада оқлади? Депутатлар, депутатлик гуруҳлари ёки маҳаллий кенгашлар комиссияларидаги партия депутатлари қайси масалаларни ўрганиб, қандай амалий натижаларга эришди?

Бу борада фикр юритишдан олдин холисона айтиш керакки, аввалги сайловдан сўнг депутатлар фаолиятида жонланиш кузатилди. Ҳудудлардаги мавжуд муаммолар ечимини топиш, тегишли идораларга мурожаат асосида масалани ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, O`zLiDeРнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлари томонидан тегишли идораларга 2000 га яқин «депутат сўрови» юборилиб, кўпгина масалалар маҳаллий кенгаш сессияларига олиб чиқилди. Ўз навбатида депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, таклифлар берилди.

— 2013 йил давомида депутатлик гуруҳлари томонидан 6 маротаба ахборот эшитилган бўлса, жорий йилнинг етти ойида 6 нафар масъул раҳбарнинг ҳисоботи тингланди, — дейди O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши депутатлар гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Нодир Тўраев. — Мисол учун, ўтган йили Қўшработ туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи йиғилишида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғининг ахбороти эшитилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг бошида эса O`zLiDeP вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг ҳамкорликдаги йиллик иш режасига мувофиқ 2014 йилнинг олти ойи давомида депутатлар томонидан бешта масала ўрганилди. Жумладан, май ойида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш орқали уларда замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш йўлида Самарқанд тумани маҳаллий ижроия органлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ахборот берди.

Бундан ташқари, мазкур йиғилишда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг Пайариқ, Оқдарё ва Қўшработ туманларидаги ижроси кўриб чиқилди. Эътиборлиси, мутасаддиларнинг ҳисоботидан сўнг қонуннинг Пайариқ ва Қўшработ туманларидаги ижроси қониқарли, деб топилган бўлса, бу борада Оқдарё туманида қатор камчиликларга йўл қўйилгани айтиб ўтилди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг жорий йил иккинчи чорагидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, бошқа соҳалар бўйича улар томонидан ижро ҳокимияти идоралари раҳбарлари номига 220 та депутатлик сўрови юборилганини таъкидлаш мумкин.

— Жойлардаги кўпгина муаммолар айнан шу йўл билан ҳал бўлмоқда. Мисол учун, Нуробод туманидаги Нурбулоқ шаҳарчаси аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси партиянинг бошланғич ташкилоти аъзолари томонидан кўтарилиб, мазкур масала халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳида кўриб чиқилди, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Амрулло Аҳмедов. – Президентимизнинг 2008 йил 12 июндаги «Қишлоқ туманлари ва шаҳарлари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг айни шаҳарчадаги ижроси юзасидан вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси умумий бўлими бошлиғининг ҳисоботи тингланди. Маъруза ва муҳокамалар жараёнида билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда Инжиниринг компанияси ва «Гўзалкент ихтисослаштирилган қурилиш» ХИТКК томонидан шу йил август ойининг охирига қадар аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш вазифаси белгилаб берилди. Кўп ўтмай, шаҳарча яқинидаги иккита сув насосининг бири ишга туширилгани, иккинчиси ҳам яқин кунларда аҳолига оби-ҳаёт улаша бошлаши маълум бўлди.

Таъкидлаш лозимки, шунга ўхшаш муаммолар бошқа туманларда ҳам мавжуд. Шу боис халқ депутатлари туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳларини жалб этган ҳолда мавжуд муаммолар ўрганилиб, вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига олиб чиқишга тайёрланмоқда. Умуман олганда, ҳар йили гуруҳларда ўртача 15-16 та масала ўрганилиб, 20 дан ортиқ эшитув бўлиб ўтмоқда. Чунончи, яқинда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан белгиланган медиа-режа асосида халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ташкил этилди. Унда вилоятдаги хўжаликларда мева ва сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, қайта ишловчи кичик саноат корхоналари тармоғини кенгайтириш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмини кўпайтиришга доир масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдумажид Нурқулов ҳисобот берди. Маърузачининг таъкидлашича, гарчи республикамиздаги интенсив боғларнинг 60 фоизи Самарқанд вилоятида жойлашган бўлса-да, аҳоли сонининг ортиб бораётганини назарда тутган ҳолда бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш, имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбир давомида вилоятдаги қаровсиз боғлар ўрнида замонавий интенсив боғларни яратишга жиддий эътибор қаратиш бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Мухтасар айтганда, депутатлар қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Зеро, улар ўз саъй-ҳаракатлари салкам уч ойдан сўнг бўлиб ўтадиган сиёсий имтиҳон — сайловда ўз аксини кўрсатишини яхши биладилар.

## Бунёдкорлик — эзгу мақсадимиз

**Мустақилликнинг йигирма уч йиллиги арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланганим мен учун энг катта байрам туҳфаси бўлди**

**Валикул ЙЎЛДОШЕВ,**
Каттақўрғон туманидаги «Пардоз» МЧЖ иш юритувчиси, O`zLiDeP аъзоси

Бу эса ўз навбатида зиммамга алоҳида масъулият юклайди. Касбим — қурувчи-муҳандис. Салкам қирқ йилдан бери бунёдкорлик соҳасида меҳнат қилиб келаяпман. Ана шу давр орасида ҳамкасбларим билан биргаликда қанчадан-қанча турар-жой бинолари, янги билим даргоҳлари, йирик ва замонавий иншоотларни барпо этмадик, дейсиз. Тан олиш керак: илгари биз белгиланган лойиҳадан чиқолмас эдик. Эндиликда ундай эмас. Хусусан, қишлоқ ҳудудларида намунали уй-жойларни барпо этишда энг аввало буюртмачиларнинг талаб-эҳтиёжлари инобатга олинаётир. Натижада улар ҳам хурсанд, бизнинг кўнглимиз ҳам хотиржам. Жамоамиз томонидан ҳар йили кўплаб ана шундай иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Жорий йилда улар қаторига маҳалла маркази биноси ҳам қўшилди. Ушбу объектни мустақиллигимиз шодиёналари арафасида фойдаланишга топширдик. «Қорадарё» массивида барпо этилган янги маҳалла аҳолиси эса энг азиз, энг улуғ байрамимизни ҳар жиҳатдан қулай ва кўркам уйларда кутиб олди.

Чиндан ҳам яратишнинг завқи бўлакча. Туманимиздаги олис қишлоқлардан бири — «Андоғ»да қурилган янги мактаб биносини кўриб, болажонларнинг нақадар қувонганини айтмайсизми! 420 ўринли ушбу иншоотни бунёд этиш учун 1 млрд. 325 млн. сўм маблағ сарфланди. Бугун нафақат катта шаҳарлар, балки олис қишлоқлар ҳам улкан қурилиш майдонига айланган, десак асло хато қилмаймиз. Мамлакатимизда ҳар бир касб эгасининг ўз лаёқатини намоён этиши, меҳнатидан тўла манфаатдор бўлиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса O`zLiDeРнинг ғоя ва мақсадларига тўла мосдир. Хусусан, партиямиз Дастурида белгиланган устувор вазифалар аҳоли сиёсий фаоллигини ошириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида тинимсиз изланишни тақозо этади. Бу, шубҳасиз, муҳим партиявий бурчимиздир.

Корхонамизда 70 нафар киши хизмат қилади. «Шуҳрат» медали нафақат менга, балки уларнинг ҳам меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Бинобарин, барчамиз юксак эътибордан руҳланиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида ғайрат-шижоат билан иш олиб бормоқдамиз. Зеро, ободлик кўнгилдан бошланади.

### Конизарликлар қувончи

**«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида Тошлоқ туманидаги Конизар қишлоғи хонадонларига ичимлик суви тармоғи тортиб келинаяпти.**

**— Қишлоғимизда 714 та хўжалик бор, — дейди Конизар МФЙ раиси Иброҳим Мамажонов. — Ҳозиргача шуларнинг 50 фоизга яқинига сув узатиш тармоқлари тортилди. Бунинг учун 150 млн. сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Йил якунигача қолган хонадонларга ҳам сув тармоқлари тушириб бериш режалаштирилмоқда.**

**Шу ўринда тоза ичимлик сувини тежаб-тергаб фойдаланиш учун қишлоқ аҳли биринчи галда сув ҳисоблагичларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратаётганини айтиб ўтиш лозим.**

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

*«Умрни зое этма, меҳнат қил,*
*Меҳнатни саодатнинг калити бил».*

*Алишер НАВОИЙ.*

### «Камолот» уйлари

**Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш, ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида Кувасой шаҳрида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда шаҳар ҳудудида ёш оилалар учун қурилган 38 та «Камолот» уйининг калитлари ўз эгаларига топширилди.**

**— Анчадан бери ана шундай шинам, барча қулайликларга эга бўлган уйда яшашни орзу қилиб келаётган эдик, — дейди турмуш ўртоғи Назокатхон ва фарзандлари билан янги хонадонга кўчиб ўтган Акмалжон Машарипов. — Юртимизда ёшларга қаратилаётган чексиз ғамхўрликлар учун Президентимизга раҳматлар айтамиз.**

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 25-sentabr, payshanba, 38 (566)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Қуйи бўғинлар кучидан самарали фойдаланиш ҳудудий кенгашлар ташкилотчилигига боғлиқ

**Бугунги кунда Қашқадарёда 771 та бошланғич партия ташкилоти 13799 нафар O`zLiDeP аъзосини бирлаштириб турибди. Жорий йилнинг биринчи ярмида улар сафи 778 нафарга, БПТлар эса 51 тага кўпайди**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

«Шўртангазкимё» мажмуасидаги БПТ бугунги кунда вилоятдаги энг намунали саналади. Фаол ва ташаббускор аъзолар жамланган мазкур ташкилот партиядошларга ҳар соҳада ўрнак бўлиб келаяпти. Туманда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнини тезлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги талай ибратли ишлари билан эътиборга тушган ташкилот партия электорати муаммоларини ҳал этишда ташаббускорлик қилмоқда. Қарши шаҳридаги «Санам» акциядорлик жамияти қошида фаолият юритаётган бошланғич ташкилот ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин.

Умуман олганда, O`zLiDeP Муборак туман кенгашининг партия қуйи бўғинлари фаолиятини ривожлантириш, аъзоларнинг ташкилий ишларда фаол иштирокини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ибрат олса арзигуликдир. Айниқса, фаоллар сиёсий билим ва малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган назарий машғулотларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Уларда БПТ раислари ва фаолларининг тўлиқ иштироки таъминланаётгани диққатга сазовордир. Йилнинг ўтган даврида йигирмадан зиёд ана шундай тадбир ташкил этилиб, уларда икки минг нафардан ортиқ партия аъзоси қатнашгани сўзимизга мисол бўла олади.

— Туман кенгаши қошида 45 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар ўз сафларида 1050 нафар партия аъзосини бирлаштириб турибди, — дейди O`zLiDeP Муборак туман кенгаши раиси ўринбосари Абдурайим Меҳмонов. – Партиявий ишни ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга оид кўргазмали воситалар, қўлланмаларнинг мавжудлиги, етакчиларнинг ўз ишига бўлган масъулияти эришаётган натижаларимизга асос бўлаяпти.

БПТлар фаолиятини намунали ташкил этишда O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши тажрибаси ҳам эътиборга лойиқдир. Яқинда Саъдулла Камолов етакчилик қилаётган «Азизбек Офсет Барака» масъулияти чекланган жамият бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. БПТ хонаси талаблар даражасида жиҳозланган. Энг муҳими, ҳамиша ёшлар билан гавжум.



Бошланғич ташкилотнинг ҳар бир йиғилишида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш борасида янги-янги таклифлар ўртага ташланади. Ишбилармонлик қобилиятига эга ёшларнинг соҳага оид билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада жорий йил аввалида бевосита мазкур БПТ ёрдами билан иш бошлаган учта тадбиркорлик субъектида 18 нафар йигит-қиз паррандачилик, тикувчилик ва тўқувчилик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

— Саъдулла Камолов БПТ етакчиси сифатида жойларда ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишлар тарғиботини олиб боришда ўрнак бўлаяпти, — дейди O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Холмирза Болтаев. — У раҳбарлик қилаётган қуйи бўғинда «Энг намунали БПТ» мавзусида кўргазмали семинар ташкил этиб, шаҳардаги барча партия етакчиларини таклиф этишни режалаштирганимизнинг боиси ҳам ана шунда. Мақсадимиз — мазкур БПТ тажрибасини шаҳар миқёсида оммалаштириш.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси, сиёсий куч атрофида бирлашган инсонларнинг билимдонлиги ва фидойилигига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Партия фаолларининг фикрича, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш борасидаги амалий ишлар билан одамларнинг ишончини қозонишга интилиш қуйи бўғинларнинг нуфузини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Улар бугун ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, партия Сайловолди дастури мазмун-моҳиятини кенг аҳоли онгига етказишда қуйи бўғинлар кучидан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

## БПТ уюштирган танлов

**Бухоро вилоятида O`zLiDePнинг барча бўғинлари, шу жумладан, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни миллий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган тарихий ва маданий ёдгорликларга алоҳида қизиқиш руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи қатор тадбирлар ўтказиб келинаяпти. Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей қўриқхонаси — Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи филиалида «Ёш мусаввирлар ижодида меъморий обидалар тасвири» кўрик-танлови ўтказилганлиги бунга мисол бўла олади**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

«Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамда шаҳардаги 17-МФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган партия қуйи бўғинлари иштирокида ташкиллаштирилган мазкур танловда Бухоро шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Ҳаваскор рассомлар рангтасвир машқларида Бухородаги Минораи Калон, шунингдек, Мир Араб, Кўкалдош мадрасалари, Чор Минор обидаси, Сомонийлар мақбараси сингари тарихий ёдгорликларни акс эттира олдилар. Бўлажак мўйқалам усталарининг ўзига хос маҳорати талабчан ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланиб, фахрли биринчи ўрин ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Отабек Равшановга берилди. Иккинчи ва учинчи ўринлардан эса Камолиддин Абдиев ва Шахром Шарипов жой олдилар.

Кўрик-танлов якунида O`zLiDeP вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти Жамолиддин Ҳасанов, партия Бухоро шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Собир Ҳамроев, халқ амалий санъати музейи филиали раҳбари Баҳром Насимов сўз олиб, бундай тадбирларнинг ўқувчи-ёшларни кенг жалб этган ҳолда ўтказилиши уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, энг муҳими, ўғил-қизларимизнинг истеъдод қирраларини янада ривожлантириш ва халқимизнинг бой ўтмиши ва анъаналарининг ёш авлод вакиллари томонидан чуқур ўрганилишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

## Мукофотлар муборак, маслакдошлар



**Самарқанд шаҳридаги «8 март» масъулияти чекланган жамиятида O`zLiDeP аъзолари ташаббуси билан тадбир уюштирилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан мукофотланганларни табриклаш мақсадида ўтказилган мулоқотда МЧЖда ташкил этилган БПТнинг янги аъзоларига гувоҳномалар топширилди.**

**— Истиқлолимиз тўйи мен учун қўшалоқ шодлик келтирди, — дейди Л.Ҳайдарова. — Чунки Президентимиз фармонига мувофиқ «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотландим. Оддий ишчига нисбатан бундай юксак ишонч билдирилгани ғайратимга ғайрат қўшди. Шундай хуш кайфиятда юрганимда O`zLiDePга аъзо бўлиш ниятида берган аризамга биноан тантанали тарзда партия сафига қабул қилишлари ҳақидаги хабарни эшитиб, яна қувондим.**

**— Бош муҳандис ўринбосари Маҳмуд Яҳёев, тикувчилик цехининг технологи Гулсара Азизова, бўлим бошлиғи Фахриддин Ҳамроев, Дилбар Очилова каби фаоллар билан туман кенгаши ҳамкорлигида тез-тез партиявий тадбирларни ташкил этамиз, — дейди БПТ етакчиси Исматилла Амонов. — Бугунга келиб 400 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларнинг қарийб юз фоизи экспорт қилинаётганида O`zLiDeP фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

М.РАВШАНОВА.

## Ваколатли вакилнинг ўрни

**Наманган туманидаги «Норин-Наманган ирригация сув тармоғи» тизимидаги бошланғич партия ташкилотида ўтказилган тадбир «Сайлов жараёнида ваколатли вакилнинг тутган ўрни» мавзусига бағишланди. Унда O`zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари мутасаддилари, партия депутатлик гуруҳи вакиллари, қуйи бўғинлар аъзолари фаол иштирок этди.**

**— Давра суҳбатида сайловларни очиқ-ошкора ва демократик андозаларга мос равишда ташкил этишда ваколатли вакилнинг ўрни қандай бўлиши лозимлиги, унинг масъулияти нималардан иборатлиги ҳақида тушанчалар берилди, — дейди БПТ раиси Улуғбек Ҳамрохўжаев. — Бундан ташқари, улар сайлов тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан яхши хабардор бўлиши кераклиги айтилди.**

**Таъкидлаш лозимки, тадбирда мавзуга ҳамоҳанг равишда иштирокчиларга 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳам очиб берилди.**

А.МУСУРМОНОВ.



**Асал ШОДИЕВА:**
**«Оиламиздагилардан уч киши — Калон бувам, Санобар бувим ва онам Сурайё O`zLiDeP аъзоси. 2013 йилдан уларнинг сафига мен ҳам қўшилдим. Чунки бу партия ишбилармонлар, айниқса, бизнесга кириб келаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Биз ҳам тадбиркорлик билан шуғулланамиз. Онам Сурайё Шодиева «Шодиёр-сервис» шўъба корхонасига раҳбарлик қилиб келяптилар. Уларга ҳавас қилиб мен ҳам «Асал Шодиева» деб номланган, маданий-маърифий тадбирлар ташкилотчилигига ихтисослашган хусусий корхона очдим. Ҳозирда O`zLiDeP Олмазор туман кенгаши томонидан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларни юксак савияда уюштиришга қўлимдан келганча ёрдам беряпман. Бундай тадбирлар эса биринчи навбатда «XXI asr» газетасида ёритилади. Дарвоқе, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш билан боғлиқ кенг кўламли жараёнлар таҳлилини ҳам айнан шу нашрдан топасиз.**
**Шунинг учун ҳам «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна бўлдим. Сиз-чи?»**

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

*«Таълимга эҳтиёж ҳар бир кишида мужассам: халқ нафас олиш учун ҳавони қанчалик ардоқласа ва изласа, таълимни ҳам шу қадар эъзозлайди ва излайди».*

*Лев ТОЛСТОЙ.*


РЕКЛАМА



# УЧИНЧИ СЕКТОР



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

## «Мўъжиза аслида беминнат китоб»

**Пойтахтимизда илк бор «Болалар китоби» республика фестивали бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбир болалар учун мўлжалланган адабиётлар салмоғини кўпайтириш ҳамда шу соҳага ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтириш, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат даражасида берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказишдек эзгу мақсадни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир**

**Рисолат МАДИЕВА,** «XXI asr»

— Бугунги кунда юртимизда 108 та нашриёт, 1750 дан ортиқ матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган, – деди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош муҳаррири Муҳиддин Омонов. — Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 2,5 минг номдан зиёд, умумий адади 40 млн. нусхадан ортиқ турли китоб босмадан чиқариляпти. Элликдан ортиқ нашриёт болаларга бағишланганноширлик маҳсулотларини чоп этиб келмоқда. Бугун юртимизда нашр этилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси бевосита болаларга бағишланган.

Икки кун давом этган фестивалда 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхонаси ўз маҳсулоти билан иштирок этди.

Байрам кунларида сўнгги йилларда чоп этилган 200 дан зиёд номдаги китобларнинг тақдимотлари, халқ шоирлари ва ёзувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш ижодкорларнинг ижодий учрашувлари, мушоиралар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар бўлиб ўтди.

Сайл тарзида ташкил этилган тадбирда «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобим», «Атроф-олам муҳофазаси — саломатлик гарови», «Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб», «Китоб — энг яхши совға», «Менинг биринчи китобим» мавзуларида интеллектуал ўйинлар, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Фестиваль доирасида ташкил этилган мумтоз ва энг сара замонавий адабиётлар, айниқса, ўқув-маърифий китоблар, энциклопедик луғат ва маълумотлар эркин савдоси, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари қошидаги 20 дан ортиқ тўгарак аъзоларининг ижодий кўргазмалари намойиши, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Чинор» нашриёти томонидан тайёрланган «Она табиатни асрайлик» мавзуидаги саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

## Божхоначилар қасамёди

Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида тингловчиларнинг «Ҳарбий ва божхоначи қасамёди»ни қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар божхона хизматининг энг муҳим мезони – адолатли бўлиш, қонунларга оғишмай амал қилиш, соҳа ходимидан нафақат ўз касбининг сирларини чуқур эгаллаш, балки халқимиз маънавияти ҳамда олижаноб ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этиши зарурлигини алоҳида таъкидлашди. Зеро, божхона масканлари Ватанимиз остонасидир. Бу остонанинг поклиги, ундан ёвуз ниятли ва ғаразли кимсалар ўтмаслиги кўп жиҳатдан божхоначиларга боғлиқ. Қасамёд қабул қилган тингловчилар ҳам келажакда ана шу масъулиятни чуқур англайдиган профессионал ходим бўлиб етишишга ваъда беришди.

Тантаналар мазкур институт қошида ташкил этилган ҳаваскор ансамбль ва ҳарбий оркестр томонидан тайёрланган концерт дастурига уланиб кетди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Дастурнинг амалий самараси

Сирдарё вилоятида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган «2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол: «Агробанк»нинг Ширин шаҳар бўлимидан 30 миллион сўм миқдорида кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйган «Ёруғ нур сервис» МЧЖда ёшлар учун саккизта иш ўрни яратилди. Аҳамиятлиси, дастлаб мебель жиҳозлари ишлаб чиқарилган корхона томонидан қисқа муддатда эшик-ром тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шу ўринда 2014 йилнинг ўтган даврида Сирдарё вилоятида 2000 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 20 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

**Ўз мухбиримиз.**

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

*«Аввал ўз остонангизни тозаламай туриб, қўшнингиз томида турган қордан шикоят қилманг».*

***КОНФУЦИЙ.***

# Ижтимоий шериклик

## нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллашувига шароит яратмоқда

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам ўрни бор. Бугунги кунда ННТлар томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш, аҳоли бандлиги, атроф-муҳит муҳофазасини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият самарадорлигини ошириш» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят адлия, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда сиёсий партиялар вакиллари иштирок этган тадбирда жамият манфаатлари устуворлигига муҳим ҳисса қўшаётган ННТлар ривожида Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари каби фуқаролик институтларининг фаолиятини тартибга солувчи 200 дан ортиқ ҳужжатнинг қабул қилиниши мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, ижтимоий масалалар ечимини топишда давлат идораларининг ННТлар билан ижтимоий шериклиги тобора кучайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали ислоҳотларнинг ошкоралигини таъминлаётир. Дастур ва режаларни бажаришда қўшимча ресурс ва маблағлар жалб этилаяпти.

— ННТлар энг аввало таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд бўлган муаммоларни аниқлайди, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди бошқаруви раиси Отабек Ҳусанов. — Улар ечимига қаратилган таклиф ва тавсияларни давлат ҳокимияти органларига етказади. Қолаверса, мазкур масалалар ечимига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасида алоқа воситасини бажариш билан бирга ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони ўттиздан зиёдни ташкил қилади. Улар фаолияти аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом турмушни тарғиб қилиш, хайрия фаолиятини кенгайтириш каби мақсадларга йўналтирилгандир. Жумладан, вилоятдаги ННТлар йигирмадан зиёд соҳа — тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, спортни оммалаштириш, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш каби йўналишларда фаол иш юритмоқда. Бу йўналишларда ижтимоий шерикликка амал қилинаётгани эса катта самара бераётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ННТлар билан ҳамкорликда қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Масалан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят фонди томонидан 3254 нафар бола, 3400 нафардан зиёд фертиль ёшидаги аёл соҳа мутахассислари иштирокида бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

— 80 нафар боланинг Германиядан келган мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминланди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори Юлдуз Усмонова. — Айни пайтда бир нафар бола мазкур давлатда ўз саломатлигини тикламоқда. Шунингдек, 18 нафар туғма юрак ҳасталиги мавжуд боланинг 13 нафари жарроҳлик амалиётига тайёрланмоқда, 6 нафарида эса жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Ижтимоий шерикликнинг самарали йўлга қўйилиши натижасида лаб-танглай тизимида нуқсони бор болаларни аниқлаш ва уларда жарроҳлик амалиётини ўтказиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини янада тараққий эттириш, ННТлар фаолиятини кучайтириш, ижтимоий шериклик асосидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Фарҳод Боқиев, ЎзННТМА ижроия аппарати гуруҳи раҳбари Ортиқхўжа Норов, ФЖШМҚМИ вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Солижон Қудратов ва бошқаларнинг соҳага оид маърузалари тингланди.

Давра суҳбати нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашиш имконини берди.

# Палата ўз аъзоларини ҳимоя қилади

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам кичик бизнесни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улуши ортиб бораяпти**

**Муҳаммадаюбхўжа АППОКОВ,**
Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Хусусан, 2014 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 66,6 фоизни ташкил этди. Бунда O`zLiDeP вилоят кенгаши билан муттасил ҳамкорликда иш олиб бораётган Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг ҳам муносиб ўрни бор.

Зеро, ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилган тизимли ишлар натижасида 2014 йил 1 июль ҳолатига кўра, ССПнинг ҳудудий бошқармасига аъзо бўлганлар сони 1563 нафарга етди. Шундан 1033 нафари юридик шахс бўлса, 530 нафари якка тартибдаги тадбиркорлик субъектидир.

Юртимизда соҳага оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш мақсадида палата O`zLiDeP вилоят кенгаши билан ҳамкорликда жойларда «Кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва преференциялар», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ва уларни асоссиз текширишларни олдини олиш» каби мавзуларда 50 дан ортиқ семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларни реклама қилиш, ўзаро тажриба алмашиш баробарида ички кооперацияни ривожлантириш мақсадида республика миқёсида ўтказилган 10 дан ортиқ кўргазма-ярмаркаларда қарийб 5000 нафар тадбиркорлик субъектининг иштироки таъминланиб, улар томонидан маҳсулотларни сотиш, хом ашё ва бутловчи қисмлар харид қилиш бўйича 166 та келишув баённомаси имзоланди.

Ўттан даврда бошқарма томонидан 12 та тадбиркорлик субъекти Хитой, АҚШ, Германия ва Туркияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда қатнашди. Эътиборлиси, мазкур ярмаркаларда иштирок этган тадбиркорлар замонавий минитехнологияларни жалб этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича еттита аҳдлашувга эришдилар.

Янги турдаги ишлаб чиқариш ускуналарини излаб топиш ва харид қилиш юзасидан 54 та тадбиркорлик субъектининг мурожаатига кўра дунёдаги етакчи онлайн савдо майдончалари орқали йирик компаниялар билан музокаралар олиб борилиб, ишбилармонлар тегишли маълумотлар билан таъминланди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган 7665,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги тикувчилик, тўқимачилик маҳсулотлари, тери ҳамда қайта ишланган мева-сабзавотлар ХХР, Россия, Қирғизистон ва Қозоғистонга экспорт қилинишига кўмаклашилди.

Ўз навбатида бошқарма томонидан 20 га яқин тадбиркорлик субъектига



720 минг АҚШ доллари миқдоридаги техник-иқтисодий асослар, шунингдек, 2,2 млрд. сўмлик бизнес-режалар тайёрлаб берилиб, лизинг ва банк кредитлари олишига кўмаклашилди. Палатанинг вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган 12 та ахборот-маслаҳат маркази томонидан эса 1680 нафар тадбиркор, жумладан, 1244 нафари тайёрлов, 436 нафари қайта тайёрлов бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитилди.

Шу ўринда палата аъзолари манфаатларини кўзлаган ҳолда хўжалик ва фуқаролик судларига умумий қиймати 72,8 млрд. сўмга тенг бўлган даъво аризалар киритилганини айтиб ўтиш лозим. Шу тариқа бошқармага тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқий масалалар юзасидан мурожаат этган 12 та тадбиркорлик субъектининг муаммоси ижобий ҳал қилинди.

Жумладан, «Шерали ССС» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан «Наманган вилоят электр тармоқлари» АЖ томонидан жами 46 млн. сўм миқдорида мавжуд қарздорлик ва унга ҳисобланган пеняни ундириш бўйича хўжалик судига қилинган мурожаат юзасидан ўтказилаётган суд жараёнида иштирок этган бошқарма мутахассислари тадбиркор манфаатларини ҳимоя қилиб чиқди. Натижада аввал АЖ даъвосини рад этган суд МЧЖ фойдасига қарор чиқарди.

## 180 нафар киши ишли бўлди

Риштонда туман ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

40 дан ортиқ ташкилот, муассаса ва корхона қатнашган тадбир давомида қарийб 350 та бўш иш ўрни таклиф этилди.

— Яқинда хориждан қайтиб келгандим, — дейди ярмаркада қатнашиб, янги иш ўрнига эга бўлган фуқаро Бахтиёр Аҳмадалиев. — Ўзимизда шунчалик кенг имкониятлар турганида чет элга иш қидириб чиқиш мантиққа зид эканини англаб етдим.

Меҳнат ярмаркаси давомида 180 кишининг бандлиги таъминланди. Аҳамиятлиси, уларнинг 70 фоиздан ортиғи ёшлардир.

# Навоийнинг «Фарҳод»и — кончилар мезбони

**Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Навоий кон-металлургия комбинати мустақиллик йилларида» мавзуида матбуот тадбири бўлиб ўтди**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

Унда мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бирининг тарихи ва бугунги куни ҳақида атрофлича маълумот берилар экан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланишича, ушбу йўналишда йилнинг биринчи ярмида 17 миллиард 768 миллион сўм миқдорида бунёдкорлик ишлари бажарилган. Жумладан, корхонада ишловчи 132 кишига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй бошланғич бадалини тўлаш учун 42,5 миллион сўмдан, жами 5 миллиард 610 миллион сўм фоизсиз ссуда ажратилган. Комбинатга бириктирилган 10 та коллежнинг 1680 нафар битирувчиси доимий иш билан таъминланган.

Заркент қўрғонида ҳар бири 16 хонадонга мўлжалланган 4 та икки қаватли уй фойдаланишга топширилиши натижасида 72 нафар кончи турар-жой билан таъминланди. Йилига 716 минг тонна 26 фоизли фосфорит концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга Қизилқум фосфорит мажмуаси иккинчи навбатининг ишга туширилиши эса қўшимча равишда яна 136 нафар юртдошимизни доимий иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

Умуман олганда, истиқлол йилларида Учқудуқ шаҳрида «Орзу» болалар истироҳат боғи, Заркент қўрғонида «Кончи» маданият уйи фойдаланишга топширилди. Айни кунда комбинат тасарруфидаги 7 та маданият муассасасида 5 минг нафардан зиёд санъатсевар бадиий ижоднинг у ёки бу тури билан доимий равишда шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Учқудуқ, Зарафшон, Навоий, Маржонбулоқ шаҳарлари, шунингдек, Заркент қўрғонида барча замонавий анжомлар билан жиҳозланган спорт марказларининг ишга туширилиши, «Олтин сув» сузиш ҳавзаси, ҳудудлардаги мавжуд ўйингоҳ ва спорт-соғломлаштириш мажмуалари таъмирдан чиқарилганлиги, комбинат спортчиларининг кейинги беш йилда турли мусобақаларда 2436 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишига замин яратди.

Инсон омилига бўлган бундай эътибор, ишчи ва хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, уларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши, қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиб, мавжудлари энг замонавий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозланганлиги боис комбинатда иш кўлами кенгайиб, самарадорлик ортиб бормоқда. Учинчи ва тўртинчи гидрометаллургия, эмульсион портлатгич моддалар заводлари, Қизилқум фосфорит мажмуасининг ишга туширилганлиги, «Гужумсой» кони, «Сургали», «Истиқлол», «Шимолий Конимех», «Кўҳинур», «Майлисой» уран конларининг ўзлаштирилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мустақилликнинг илк кунларида таркибида олтин бўлган руда биргина гидрометаллургия заводида қайта ишланган бўлса, айни кунда бу иш 4 та завод, олтинни танлаб эритмага ўтказиш кони ва бойитиш цехларида амалга оширилаётир. Зарафшондаги 2-гидрометаллургия заводида 1991 йилда йилига 20 миллион тонна руда қайта ишланган бўлса, бугунга келиб мазкур кўрсаткич қарийб икки баробарга ортди, Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводида «Кўкпатас» ва «Довгустов» конларининг сульфидли рудасини биологик оксидлантириш усули билан қайта ишлаш йўлга қўйилди. Атиги 11 ойда қурилиб, 2010 йил фойдаланишга топширилган Заркентдаги 4-гидрометаллургия заводи замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани, ғоят қисқа фурсатда лойиҳа қуввати йилига 1,8 миллион тонна рудани қайта ишлаш даражасига чиққанлиги боис Жанубий кон бошқармасида кейинги беш йилда ярим тайёр ҳолда олтин ишлаб чиқариш 2,4 баробар кўпайди.

Мулоқотда эътироф этилганидек, истиқлол йилларида комбинатнинг кўп минг кишилик жамоаси сони салкам икки баробарга кўпайди. Корхонанинг еттита вилоятда фаолият кўрсатаётган бўлинмаларида том маънода фидокорона меҳнат қилаётган турли касб эгаларига ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса юқорида тилга олинган муваффақиятларга омил бўлмоқда.

## ЭЪЛОНЛАР



# Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

*Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Навоий вилоят худудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри музокаралар (оммавий оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.*

**Сотувчи:** Республика Давлат рақобат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси
**Сотувчининг манзили:** Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй.
**Алоқа телефонлари:** (8-436) 224-04-61, 224-79-23, факс 224-26-94.

**Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, тавсифи ва жойлашган манзили:**

| № | Объект номи | Объект манзили | Балансда сақловчининг номи, манзили | Сотилиши белгиланган давлат улуши | Сотиш таклиф қилинаётган бошланғич нархига нисбатан пасайтирилган нархи (минг сўм) | Инвестиция мажбуриятининг минимал миқдори (млн.сўм) | Хусусийлаштирилиши тўғрисидаги ҳукумат қарори |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Рақс майдончаси | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 62 189,09 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 2 | Фойдаланилмасдан турган гараж биноси (инв. №89101444) | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 9 667,60 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 3 | Зарафшон шаҳрида жойлашган 2125 тонна сиғимли совутгич-омборхона (инв. №5661) | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 1 634 337,20 | 100,0 | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 4 | Зарафшон шаҳрида жойлашган темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 615 061,60 | 100,0 | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 5 | «Оазис» боғдорчилик жамиятига қарашли дала ҳовли (ёзги ошхонаси билан) | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 72 643,84 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 6 | «Сувсизлантириш биноси» | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 51 230,60 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 7 | «Наврўз» савдо павильони | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 5510,80 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 8 | Барак типидаги 1 қаватли бино (инв. № 20947) | Конимех тумани | НКМК ДК | 100 % | 15 588,68 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 9 | Барак типидаги 1 қаватли бино (инв. № 20948) | Конимех тумани | НКМК ДК | 100 % | 15 588,68 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 10 | Барак типидаги 1 қаватли бино (инв. № 20949) | Конимех тумани | НКМК ДК | 100 % | 15 588,68 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 11 | «Ғиштли бино ва гараж станцияси қурилмаси | Конимех тумани | НКМК ДК | 100 % | 27 701,80 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 12 | Хорижий ускуналар омборхонаси (инв. №8201001) | Учқудуқ тумани | НКМК ШКБ | 100 % | 473 661,85 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 13 | «Табассум» савдо дўкони | Навоий шаҳар | НКМК ДК | 100 % | 909 222,46 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 14 | Аэроб минерализатори (тозалаш иншооти) (инв. №89101439) | Зарафшон шаҳри | НКМК ДК | 100 % | 129 379,28 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 15 | «Навоиймонтажавтоматика» МЧЖнинг 51 % давлат улуши | Навоий шаҳри | | 51 % | 170 486,83 | 50,0 | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 16 | Чўчқачилик фермасининг бўш турган бино ва иншоотлари (инв №24613) | Зарафшон шаҳри | НКМК ЗҚБ | 100% | 456 058,97 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 17 | Мармар ишлаб чиқариш биноси (ММК биноси (инв. №952067), ўтиш биноси (инв. №0011043), ишлаб чиқариш корпуси биноси (инв. №9512068) | Учқудуқ тумани | НКМК ЗҚБ | 100 % | 2 246 989,10 | --- | ПҚ-1743 25.04.2012 йил |
| 18 | «Оққуш» болалар боғчаси | Қизилтепа тумани | Қизилтепа туман ҳокимлиги | 100 % | 130 815,07 | 5,0 | ВМ-154 31.05.2012 йил |
| 19 | «Бойчечак» болалар боғчаси биноси | Қизилтепа тумани | Қизилтепа туман ҳокимлиги | 100 % | 46 149,24 | 5,0 | ВМ-154 31.05.2012 йил |
| 20 | «Дилрабо» болалар боғчаси бино ва иншоотлари | Навбаҳор тумани | Навбахор туман ҳокимлиги | 100 % | 95 783,74 | --- | ВМ-154 31.05.2012 йил |
| 21 | Учқудуқ туманида жойлашган туман тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги кўп тармоқли эски поликлиника биноси | Учқудуқ тумани | Учқудуқ туман ҳокимлиги | 100 % | 146 632,0 | --- | ВМ-154 31.05.2012 йил |
| 22 | «Навоий универсал-улгуржи савдо базаси» МЧЖ | Кармана тумани | Давлат активларини бошқариш маркази | 11,5 % | 211 131,10 | --- | ВМ-233 12.08.2011 йил |
| 23 | «Қизилтепа таъминот-универсал улгуржи савдо базаси» МЧЖ | Қизилтепа тумани | Давлат активларини бошқариш маркази | 25 % | 221 627,02 | --- | ВМ-233 12.08.2011 йил |

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Республика Давлат рақобат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биноси мажлислар залида **2014** йил **30** октябрь соат **10.00** да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари:

**1.** Сотувчи билан **20** кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш;
**2.** Инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажариш;
**3.** Сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
**4.** Янги иш ўринлари ташкил этиш;
**5.** Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Талабгорлардан таклифларни қабул қилиш санаси ва вақти: **2014** йил **29** октябрь (ҳар ҳафта душанбадан жума кунига қадар) соат **9.00** дан **18.00** га қадар.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларида қатнашиш учун талабгорлар ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари.

Сотиб олиш тўловларининг таклиф этаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати:

— сотиб олиш тўловларининг суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хизматлар лицензияланган.

# «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖ

## нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади

Навоий вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг **05.09.2014** йилдаги **67**-П-сонли буйруғи билан «Навоий» халқаро аэропорти давлат корхонаси балансидаги Кармана туман «Дўрмон» ҚФЙда жойлашган узоқдан чиқарувчи радиомаркер-**253** (ДПРМ-**253**) биноси **102,075,000** сўм бошланғич нархи билан аукцион савдоларига чиқарилмоқда.

Аукцион савдоси **2014** йил **21** октябрь куни соат **11.00** да Навоий вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар **2014** йил **20** октябрь куни соат **18.00** га қадар қабул қилинади.

Талабгорлар диққатига!

**2014** йил **21** октябрь кундаги аукцион савдосида сотилмаган мулкнинг такрорий аукцион савдолари **2014** йил **29** октябрь, **6**, **14**, **20** ва **27** ноябрь кунлари соат **11.00** да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризалар савдодан бир кун олдин, соат **18.00** да тўхтатилади.

Мазкур объектлар текис майдонда, табиий газ, сув, электр энергия ва транспорт коммуникацияси яқин масофада жойлашган.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг **15** фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт. Ҳ/р: **20208000600275244001**, АТБ «Асака» банк Навоий филиали, МФО: **00206**, ИНН: **302799910.** Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб **20** кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукцион савдосида қатнашишга буюртмани тақдим этади:

— юридик шахслар учун таъсис ҳужжатларидан нусха;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (жисмоний шахслар) – паспорт нусхаси;

— солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;

— аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхасини тақдим этади.

Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, **24**-уй, Навоий вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси биносининг **1**-қавати, «REALTOR GROUP NAVOIY» МЧЖ. Тел: **224-92-21**»

Хизматлар лицензияланган. ЛИЦЕНЗИЯ № RR-**0183.**


## «Тўр»га «илинган» нашрлар

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзуидаги республика илмий-амалий семинарида веб-нашрлар («web» сўзи инглиз тилидан таржима қилинганида «тўр» маъносини англатади), яъни интернет тармоғида яратилган оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу соҳада юзага келаётган муаммоларнинг ечими ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда интернет-журналистиканинг бугунги аҳволи, глобал «тўр»даги нашрлар фаолиятини яхшилаш, онлайн ОАВни ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга доир маърузалар тингланиб, соҳа мутахассислари томонидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Анжуман давомида сўзга чиққанлар электрон журнал-газеталарнинг устувор жиҳатлари ҳақида фикр юритар экан, айнан шундай ОАВ ёрдамида истеъмолчиларга тезкор ахборот етказиш имконияти туғилишини, бундан ташқари, бу ҳолатда нашр эгалари ҳажм ва материал (қоғоз), географик тўсиқлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаслиги, инфографика, харита, диаграмма, суратлардан унумли фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шу ўринда 1995 йилда рўйхатдан ўтган «uz» доменида қайд этилаётган веб-сайтлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, хусусан, 2010 йилнинг февраль ойида мамлакатимиз интернет маконида 10 мингинчи веб-сайт рўйхатга олиниб, жорий йил сентябрда уларнинг сони 18,3 мингдан ошиб кетганини, ўз навбатида, бугунги кунда юртимизда электрон шаклда 270 дан ортиқ ОАВ фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтиш лозим.

## «GM Uzbekistan» энди «Aveo»ни кўзламоқда



Кейинги йилларда маҳаллий ва жаҳон автомобиль бозори учун маҳсулотларнинг янги турини тақдим этишни анъанага айлантирган «General Motors Uzbekistan» қўшма корхонаси ўз конвейерларидан чиқаётган моделлар қаторига яқин орада «Aveo» автоуловини қўшишни мўлжаллаб турибди.

Gazeta.uz сайти тарқатган хабарларга кўра, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 сентябрдаги қарорига мувофиқ мазкур русумнинг T250 моделидаги машиналарни серияли ишлаб чиқаришга оид лойиҳани амалга ошириш учун тайёргарлик кўра бошлаган.

Маълум бўлишича, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари икки ой ичида тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ.**

ТУЗАТИШ

Газетанинг **2014** йил **11** сентябрь **36** (**564**)-сонида чоп этилган «Агробанк» АТБнинг кўчмас мулкларни сотиш тўғрисидаги «Шартнома тузиш бўйича оммавий оферта таклифи» эълонидаги (биринчи эълон) «Оммавий оферта **2014** йил **31** декабргача ўз кучига эга» сўзлари «Оммавий оферта **2014** йил **30** сентябргача ўз кучига эга» деб ўқилсин.

## ЭЪЛОНЛАР



# ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

— ариза (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати. Хизматлар лицензияланган.

# «BUXORO GLOBAL REALTOR»

## масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг **2014** йил **28** августдаги **27**а-сонли ҳамда **2014** йил **12** сентябрдаги **33**а-сонли буйруқларига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда:

**1.** Жондор тумани, Навработ ҚФЙ, Каравул аҳоли пункти ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган **400**,**0** кв.метрдан иборат **3** та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — **486720** сўм;
**2.** Жондор тумани, Охшиx ҚФЙ, Охшиx аҳоли пункти ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган **400**,**0** кв.метрдан иборат **1** та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси **486 720** сўмдан.
**3.** Жондор тумани, Хумин ҚФЙ Умархўжа аҳоли пункти ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой куриш учун мўлжаллаган **400**,**0** кв.метрдан иборат **1** та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — **486 720** сўм;
**4.** Жондор тумани, Мустақиллик ҚФЙ, Жўйисафед аҳоли пункти ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжаллаган **400**,**0** кв. метрдан иборат **2** та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — **486720** сўм;
**5.** Жондор тумани, Мирзаён ҚФЙ, Ёш куч аҳоли пункти ҳудудидан якка тартибдаги уй-жой куриш учун мўлжаллаган **400**,**0** кв. метрдан иборат **10** та ер майдони. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — **486720** сўм.

## Талабгорлар диққатига!

Аукцион ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб **20** кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат **09.00** дан **16.00** гача (**13.00** дан **14.00** гача тушлик) Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, **10**-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати **2014** йил **31** октябрь куни соат **18.00** да тўхтатилади.

Аукцион савдолари **2014** йил **1** ноябрь куни соат **11.00** да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, **10**-уй, **4**-қаватнинг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг **15** фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Мазкур ер участкалари **2014** йил **1** ноябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари **2014** йилнинг **08**,**15**,**22** ноябрь кунлари соат **11.00** да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул килиш муддати бир кун олдин, соат **18.00** да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг **15** фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар «Buxoro Global Realtor» масъулияти чекланган жамиятининг АТБ «Халқ банк»и Бухоро филиали, ҳ/р: **20208000600251607001**, МФО **00116**, СТИР **302668377** тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар билан танишиш ва буюртманомаларни қабул қилиш учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, **10**-уй. тел: (**+99893**) **960-69-00**, Факс: (**+99865 221-54-43**)
www.bgr.gl.uz. Хизматлар лицензияланган. Лицензия RL **0171**

# СЎНГГИ САҲИФА

## Дилдаги гаплар



*Ишбилармонлар ва ижодкорлар. Хўш, уларни нима бирлаштириб туради? Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳар иккисига ҳам инсон қалбининг туб-тубида шаклланадиган ҳавас пойдевор бўлади. Орадан бироз фурсат ўтиб, ана шу ҳавас ниятга айланади. Мен ҳам фалончидек машҳур тадбиркор ёки санъаткор бўламан, деган интилиш вужудга келади. Худди шу даврда азму шижоат булоғидан сув ичган одамлар албатта ўз мақсадига эришади. Ҳалол меҳнати билан юртга танилган қишлоқ мулкдорлари — қаҳрамон фермерларимиз умр йўлида айни шу ҳақиқатни кўриш-кузатиш мумкин.*

*Санъат аҳли ҳам, бизнес вакиллари ҳам танилиш, машҳурлик, халқнинг кўнглидан жой олишдан иборат уч босқичли жараёндан муваффақиятли ўта олсагина элнинг ишончи ва ҳурматига сазовор бўлади.*

*Танилиш унчалик қийин эмас. Масалан, ойнаи жаҳонда тўрт-беш марта кўриниш берган кишининг юз тузилишини кўпчилик эслаб қолиши тайин. Машҳурликнинг масъулияти эса жуда оғир. Ўзининг эзгу амаллари орқали Ватан тараққиёти, юрт равнақига хизмат қила олганлар бу босқичдан ўтиб, халқнинг кўнглидан жой олади.*

*Мен тадбиркор ва фермерларни астойдил ҳурмат қиламан. Чунки улар ўз маблағини аниқ мақсадга йўналтириб, ўзи ва атрофидагилар учун даромад манбаи яратади. Кичик бизнеснинг ҳар қандай шароитга тез мослашишининг боиси ҳам шунда.*

*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси эса жамиятдаги ана шу ҳаракатчан қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида халқнинг кўнглидан жой топган сиёсий куч, десам муболаға бўлмайди. Аввалги сайловда мазкур партиянинг парламентда энг кўп ўрин эгаллагани ҳам фикримиз далилидир.*

*Шунинг учун мен O'zLiDeP илгари сураётган ғоялар тарафдориман. Бундай ғоялар, энг аввало, партиянинг расмий нашри — «XXI asr» газетасида ўз аксини топади. Унда чоп этилаётган мақолалар ҳар бир инсонни тадбиркор бўлишга ундайди. Балки маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланишимга ҳам ишбилармонлар фаолиятига қизиқишим туртки бўлгандир.*

*Кези келганда, таҳририят ижодкорларидан фермерлар фаолиятини янада кенгроқ ёритишни сўраган бўлардим. Зеро, улар нафақат қишлоқ мулкдорлари, балки ўша ҳудуддаги ҳар қандай ишга бош-қош бўлаётган замонавий раҳбарлардир. Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган шароитлар туфайли улар мавқеи кундан-кунга кўтарилиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Шундай инсонлар ҳақида кўп ёзган газетанинг муштарийлари сафи янада кенгайиши табиий.*

*Дарвоқе, мен «XXI asr»га янги йил учун обуна бўлдим. Сиз-чи?*

Ҳурмат билан,
Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

РЕКЛАМА

**АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Ўзстандарт» агентлиги «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида жорий йилнинг 1 июлидан «Интерактив давлат хизматлари ягона портали»да «Ўлчов воситаларини давлат текширувидан ўтказиш учун электрон талабнома бериш» интерактив давлат хизматини йўлга қўйди.

Сиз қачон, қаерда бўлманг хонадонингиз, корхоналарингиздаги ўлчов воситаларини давлат текширувидан ўтказиш тўғрисидаги хабарни жойлаштиришингиз, шунингдек, марказимиз фаолияти юзасидан таклиф ва эътирозларингиз бўлса online режимида фаолият юритадиган www.mxkm.uz сайтига юборишингиз ёки «Ўзстандарт» агентлигининг (8-371) 150-26-00, марказимизнинг (8-371) 150-26-03 рақамли «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Марказимиз мутахассислари Сизнинг мурожаатингизни беэътибор қолдирмайди.

**«Ўзстандарт» агентлиги**
**«Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси**

Хизматлар лицензияланган.




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

ҚУТЛОВ



# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
## мажмуаси жамоаси

азиз ўқитувчи ва мураббийларимизни яқинлашиб келаётган касб байрами билан қизғин табриклайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, метин ирода тилаймиз. Хонадонингизни файзу барака, фаровонлик, бахту саодат ҳеч қачон тарк этмасин!




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ. Солижон ЗОИРОВ. Сайфулла ИКРОМОВ. Маркс ЮСУПОВ. Асхор ИСТАМОВ. Бехзод ИСРОИЛОВ. Акбар МУЗАФФАРОВ. Шахзод НАЗАРОВ. Муҳаббат РАВШАНОВА. Шухрат РАҲИМОВ. Носир ТОШЕВ. Шухрат ХЎЖАЕВ. Наргиза ҚАХХОРОВА. Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80. Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45. Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79. Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50. Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент. Нукус кўчаси. 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com. xxi_asr@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУХАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАЖАБОВ

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: S 978 Тираж: 11932
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Т.АБДУРАҲМОНОВ, Б.ИСРОИЛОВ.